МАШИНАЛАР БИЛАН 260.000 ТОННА ПАХТАНИ ТЕРИБ ОЛИШГА ҲОЗИРДАН ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ


№ 172 (4631).

31 АВГУСТ ПАЙШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● ДАВЛАТГА ЙИЛЛИК ПАХТА СОТИШ ПЛАНИНИ БРИГАДАЛАР БЎЙИЧА 15 ИШ КУНИДА, УЧАСТКА ВА БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА 18-20 ИШ КУНИДА, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА 20 ИШ КУНИДА, РАЙОНЛАР БЎЙИЧА ЭСА 25 ИШ КУНИДА БАЖАРИЛИШИГА ЭРИШАЙЛИК. ● БУНИНГ УЧУН ҲАММА СОҲАДА ПУХТА ТАРАДДУД КЎРАЙЛИК!



ПИСКЕНТ пахта заводи янги ҳосилни қабул қилишга тайёр қилиб қўйилди. Завод цехлари, транспортёрлар сифатли ремонтдан чиқарилди. Суратда: мавсумга шайлаб қўйилган техника.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).



МОҲИР СУВЧИЛАР





Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида мириқишкор сувчилар, уста пахтакорлар кўп. Улар бу йил ҳам далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Суратларда: (юқоридан пастга) моҳир сувчилардан А. Ҳушвақтов, Э. Омонов, С. Расулов ўртоқлар.

Н. Тўраев фотолари.

ҚУДРАТЛИ КУЧ

ҚИШЛОҚ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда техника катта роль ўйнамоқда. Техника туфайли қишлоқларимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўляпти.

Меҳнати бевосита техника билан боғлиқ бўлган деҳқон ўзини бахтиёр ҳисоблайди чунки, у иззат-ҳурматга сазовор бўлмоқда. Ҳозирги пайтда техникадан кенг ва унумли фойдаланмай туриб, пахтачиликда мўлжалланган мақсадга эришиб бўлмайди. Буни ҳар бир пахтакор яхши тушунади.

Совхозимиз меҳнаткашлари олдида улкан вазифалар турипти. Улар бу йил 2250 гектар пахта майдонининг ҳар гектардан 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишган. Механизаторларимиз эса етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини «зангори кема»ларда териб олиш учун аҳд қилишган. 6 минг тоннага яқин улкан «оқ олтин» хирмони кўтаришнинг ўзи бўлмайди. Бундай хирмонни бунёдга келтириш учун фақат техникадан унумли фойдаланиш билан эришиш мумкин.

Совхоз пахтакорлари бу йил 90 процент майдонга чигитни кенг қаторлаб экдилар. Бу усулда ўстирилган гўза бағрига шамол, қуёш нури яхши тегади. Жўякларн кенг бўлганидан сув равон оқади. Гўзалар сувга қониқади. Пахта ҳосилдорлиги ортади. Энг муҳими техникадан унумли фойдаланиш имконияти яратилади, кам меҳнат сарфланади.

Пахтакорларимиз кенг қаторлаб экишнинг афзаллигини ўтган йили синовдан ўтказган эдилар. Шунинг учун бу йил янги усул кенг қўлланилди, барча техника воситалари шу гўзаларни парвариш қилишга мослаштирилди ва янгилари сотиб олинди. Шу кунгача кенг қаторлаб экилган пахталарни терадиган 39 та машинамиз бор. Уларнинг кўпчилиги янгидан сотиб олингандир, 7 та тўрт қаторлаб пахта терадиган машинани сифатли ремонтдан чиқариб қўйибмиз. Бундан ташқари 15 та подборшчик, 20 та кўрак терадиган машинани ҳам тайёрлаб қўйибмиз.

Мавжуд техникадан унумли фойдаланиш механизатор кадрларга боғлиқ. Совхозимизда ташкил этилган механизаторлар курсини 30 нафар ёш муваффақият билан битириб чиқишди. Улар илғор механизаторларнинг иш тажрибалари билан таништирилди. Ҳозир механизмнинг қулогини бураш қўлидан келадиган 92 кишига эгамиз. Машина теримини икки сменада ташкил этишни планлаштириб қўйибмиз. Кўчма устахоналар ташкил этганмиз. Бу устахоналар захира запас қисмлар билан таъминланган. Шунингдек, «зангори кема»лар ёнилғи билан далаларнинг ўзида таъминлаб турилади.

Механизаторларимиз «зангори кема»лар билан 100—150 тоннага етказиб пахта териш мажбуриятини олишган. Шеким Қўзибоев, Сулаймон Имомқулов, Исмадиёр Исмоилов, Хидир Қамбаров, Турсунбой Нурматов ўртоқлар шулар жумласидандир.

Терим вақтида механизаторлар учун нормал шароит яратиб бериш борасида совхоз маъмурияти билан келишиб қўйганмиз. Кунига икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилади. Барча шийпонлар мавсумга мувофиқ қайта жиҳозланади. Илғор механизаторларнинг кундалик меҳнатлари кўзга ташланадиган жойларда кўргазма тахталарига ёзилиб турилади. Кундалик нормасини бажарган механизаторларга қўшимча ҳақ тўлаб берилади. Беш кун муттасил иш нормасини бажарган механик-ҳайдовчига бир йўла 20 сўм пул мукофоти берилади. Йил охирида юқори кўрсаткичга эришган механизаторлар пул ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланади.

Хуллас, етиштирилган пахта ҳосилининг 80 процентини машиналарда териб олиш учун зарур бўлган барча тадбир-чораларни амалга ошириб қўйганмиз. Азамат механизаторларимиз бутун куч ва ғайратларини сафарбар этиб, халқимиз нефтихори бўлган «оқ олтин»дан улкан хирмон кўтаришга муносиб ҳиссаларини қўшиш учун курашадилар. Албатта, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан адо этадилар.

Турсунбой ҚУВВАТОВ,
Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозининг бош инженери.

МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашаётган бригадамиз коллективи улкан ғалабани қўлга киритдилар: совхозда биринчи бўлиб сабзавот тайёрлаш йиллик плани ошириб бажарилди.

40 гектар ердан пландаги 227 тонна ўрнига 724 тонна сабзавот топширдик. Шу жумладан, 78 ўрнига 110 тонна помидор сотилди. Карамдан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. 240 тонна карам топширилиб, бу соҳадаги план ҳам ортиғи билан адо этилди. Кечки карамимизнинг ҳам аҳволи яхши. Яна салкам 300 тонна карам етказиб берамиз.

Картошка етиштириш ва топшириш плани ҳам ортиғи билан адо этилди. Эндиликда мажбурият ҳисобига маҳсулот топширяпмиз.

А. ШЕРМАТОВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг бригада бошлиғи.

ЯНГИ МОСЛАМА

«Узсельхозтехника» савдо базаларига автоматик пуска қўчирадиган қурилмаси бор тўрт қаторли «ХҚ-3,6» маркали пахта терадиган машиналар келтирилди. Бу машинлар «Ташсельмаш» заводи конвейеридан Бўка ва Ўрта Чирчиқ район бирлашмаларининг омборларига, шу омборлардан эса хўжаликларга келтирилди.

Пахтачилик машиналари бўйича Давлат конструкторлик бюросида конструкция қилинган пуска қўчирадиган мослама иш вақтида пахта терадиган аппаратнинг баландлигини бир маромга солиб туради. Техникадан самарали фойдаланишда бунинг катта аҳамияти бор. Аппаратни қанчалик баланд кўтариш ёки пастга туширишни керак? Бу савол механизатор пахта теримига тушар экан, ҳамиша дилидан ўтади. Ҳайдовчи одатда аппаратнинг ердан қанча баланд кўтарилишини кўз билан чамалаб аниқлайди. Шундай қилинганида агрегатнинг унумдорлиги пасаяди. Чунки ғўзанинг пастки шохларидаги чаноқда бўлган пахта терилмай қолади.

Автоматик қурилманинг пуска қўчирадиган панжалари бор. Бу панжалар агрегатнинг бошқа механизмлари билан ягона алоқада ишлайди. Машинанинг эгатлардан юриб боришига қараб ҳалиги панжалар эгатларнинг паст-баландлигини аниқлайди, унинг юзасидан пуска қўчиради. Шундан кейин бошқариш системасига тегишли сигналлар беради. Ана шу сигналларга қараб аппаратнинг бир маромда юриши автомат тарзда амалга оширилади. Яъни аппаратнинг юқорига кўтарилиши ёки пастга туширилиши аниқланади.

«Ташсельмаш» заводи куз мавсумида республика механизаторлари учун «кўрадиган» қурилмаси бор дастлабки 75 та машина тайёрламоқда.

(ЎзТАГ).

БЎКА (ўз мухбирларимиздан). КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашаётган Бўка район чорвадорлари тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида чорва маҳсулотлари етиштириш йўлида жиддий бурилиш ясадилар. Айниқса сут маҳсулоти етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида илдам қадам ташламоқдалар.

Жамбул номли колхозда йиллик сут тайёрлаш плани ҳозиргача 184 процент бажарилди. «Партия XX съезди» колхозида йиллик сут тайёрлаш плани 175, «Октябрь 40 йиллиги» колхозида 174, «Ленинобод» колхозида 145. Тимирязев номли колхозда 137 процент қилиб бажарилди. Деярли ҳамма хўжаликларда сут тайёрлаш йиллик плани шу кабн ошириб адо этилди.

«Октябрь 40 йиллиги» колхози сигир согувчиларидан Улқиз Шукурова йиллик план бўйича 20 ўрнига ҳозиргача 30 тонна сут согиб юқори кўрсаткичга эришди. Унинг дугоналари Марфа Гомена, Муҳаббат Абдуллаева, Олтин

ЙИЛЛИК СУТ ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Байрамовалар ҳам йиллик сут согиб олиш планини анча ошириб адо этдилар.

Район хўжаликларида бўлар каби пешқадам ва фидокорона меҳнат қилаётган илғор сут согувчилар кўп. Шунинг учун ҳам Бўка район чорвадорлари йиллик сут сотиш планини областда биринчи бўлиб бажардилар. Ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 1750 литрдан сут согиб олинди. Ҳозиргача давлатга район хўжаликлари томонидан 1795 тонна сут сотилди. Энди чорвадорлар 2750 тонна сут согиб олиш ва ҳар бир сигирдан согиб олинадиган сут миқдорини 2000 литрданга етказиш мажбуриятини олиб, бу соҳадаги ишни бўшаштирмай давом эттирмоқдалар.

«СОВЕТСКАЯ КУЛЬТУРА» — КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1973 йил январидан бошлаб КПСС Марказий Комитетининг янги газетаси — «Советская культура» чиқа бошлайди.

«Советская культура» газетаси социалистик маданиятни — театр, кино, тасвирий санъат, музика ва хореография санъати, телевидение ва радио, китоб нашр қилиш, турмуш маданияти, ижодий союзларнинг ва маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти, кино хизматига доир асосий проблемаларни ёритиб боради, бадиий ҳаваскорлик, халқ бадиий ҳунармандчилигининг ҳамма турларини ривожлантиришга кўмаклашади.

«Советская культура» газетасини нашр этиш «Правда» нашриётига топширилди.

Газета ҳар ҳафтада уч марта, «Правда» форматида саккиз саҳифа қилиб чиқарилади. Газетанинг бир йиллик обуна ҳақи 7 сўм 80 тийин, ҳар бир нусхасининг баҳоси — 5 тийин.

ПУНКТ ТАЙЁР

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Тельман номли пахта тайёрлаш пункти янги ҳосил қабул қилишга тайёр. Пункт ишчилари бу йил ўтган йилдагига нисбатан қарийб бир ярим баравар кўп ҳосил қабул қилиб олдилар.

— Буни ҳисобга олиб, — дейди пункт мудири ўртоқ Шамсиев, — пахтани ғарам қиладиган майдонларни қайта ремонтдан чиқардик. Транспортерларнинг ҳаммаси тахт қилиб қўйилди. Тош-тарозилар тайёрланди. Пункт қошида ошхона ҳам ташкил этилди. Пахтани ташиб келтирувчилар учун бу ерда барча қулайликлар яратилган.

Биз бу йил «Партия XXIV съезди», «Янгиобод» совхозларн, Собир Раҳимов номли колхозларда етиштирилган «оқ олтин»ни қабул қилиб оламиз. Коллективимиз ишни икки сменада ташкил этишади.

КРАСНОЯРСК ЎЛКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ КЕНГАШИ

29 август куни Красноярскда партия-хўжалик активининг ўлка кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари 1972 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш юзасидан ўлка партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Актив кенгашида самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўлка партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. И. Долгих доклад қилди. Музокараларда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, ўлкадаги саноат корхоналари ва совхозларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

(ТАСС).

АНЖЕЛА ДЭВИС БИЛАН УЧРАШУВ

Совет жамоатчилигининг вакиллари 29 августда Америкаининг таниқли жамоат арбоби, АҚШ Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси А. Дэвис билан учрашдилар.

Совет хотин-қизлари Комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова меҳмонни ва у билан бирга Москвага келган АҚШ Компартияси Марказий Комитетининг аъзоларини тўпланганлар номидан табриклади.

Совет жамоатчилигининг вакиллари ўз сўзларида АҚШ Компартияси, Америкаининг тараққийпарвар кучлари курашаётган олийжаноб ғояларнинг ғалабаси учун курашда А. Дэвисга янги муваффақиятлар тиладилар.

— Мен АҚШ Коммунистик партиясидан, Америка ишчилар синфидан, Совет Иттифоқини тинчлик учун, социализм учун курашда машъал деб билган барча кишилардан сизларга салом олиб келдим,— деди Анжела Дэвис.— Европа ва Латин Америкаси мамлакатлари бўйлаб боқлаган сафаримизда, аввало, Совет Иттифоқига келганлигимиз бежиз эмас. Ахир, СССР—биринчи социализм мамлакати. Совет Иттифоқи бўлмаганида, унинг ёрдами бўлмаганда бошқа мамлакатларда ҳам социализм қуриш мумкин бўлмас эди. Бизга Америкада эса кураш олиб бориш ниҳоятда қийин бўлур эди.

Анжела Дэвис ўзининг озодликка чиқарилиши коммунистлар бошчилик қилаётган халқаро кампаниянинг натижаси эканлигини таъкидлаб ўтди.

— Бу кампанияда Совет Иттифоқи намояндалари актив иштирок этганлигини биз яхши биламиз,— деди у.

— Совет кишиларининг бирдамлиги,— деди Америка коммунисти,— менинг учун ва менинг дўстларим учун битмас-туганмас куч-ғайрат манбаи бўлди.

(ТАСС).

ЮКСАК ШАРАФ

«ЎЗБЕКХИММАШ» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ШОН-ШУҲРАТИ КИТОБИГА ЁЗИЛДИ

Ўтган кунн «Ўзбекхиммаш» заводининг яшил залида коллективга у Ўзбекистон ССР Меҳнат шон-шуҳрати китобига ёзилганлиги ҳақидаги гувоҳномани топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Чирчиқ машинасозлари бундай юксак шарафга тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили социалистик мусобақасида самарали меҳнат қилганликлари учун эришдилар.

Завод ўтган йили катта химиянинг қатор муҳим қурилишларига аммиак селитраси ишлаб чиқарувчи бешта комплекс технологик линия, юзга яқин буғлатиш қурилмалари, бир неча миллион сўмлик иссиқлик алмаштирувчи аппаратуралар, турбокомпрессорлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. Савдо шохобчаларига 1 миллион 650 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари жўнатилди. Йил давомида меҳнат унумдорлиги 14,6 процент ортди. Машинасозлар маҳсулот таннархини камайтириш, хомашё ва материаллар, энергия ва ёқилғини тежашда ҳам дуруст натижаларга эришдилар.

Завод коллективи бу йил ҳам зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда, СССР ташкил топганининг 50 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажармоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш етти ойлик топшириғи 102 процент қилиб, маҳсулот реализацияси бўйича 101,1 процент бажарилди. Пландагидан ташқари 181 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Заводнинг мижозлари йил бошидан буён 60 дона химия асбоб ускунасини муддатидан илгари олдилар.


«Ўзбекхиммаш» заводи коллективи мамлакатнинг турдош корхоналари билан муваффақиятли мусобақалашяпти. Айниқса, «Уралхиммаш» заводи билан амалий дўстлик алоқалари мустаҳкам йўлга қўйилган. Ўзбекистон ва Урал машинасозлари беш йилликнинг барча йиллари планлари учун ўзаро социалистик мусобақа шартномалари тузишган. Мусобақадошлар илмий-техника информацияси, рационализаторлик таклифлари, ўзларининг муваффақиятлари, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида эришаётган ютуқларини муттасил ўртоқлашмоқдалар.


Яқинда газетамизда уралликлар юборган мактуб босилди. Унда «Уралхиммаш» заводи коллективи Ўзбекистон ССРга бағишланган ўн кунлик кунларида зарбдорчасига ишлаётганлиги ҳақида хабар берилган эди. Ўзбекистон машинасозлари Свердловскка жавоб мактуби юбордилар. Унда «Ўзбекхиммаш» заводи коллективи Ватанимиз пойтахти Москва ва 15 қардош республикага бағишланган мусобақада яхши натижаларга эришаётганлиги қайд қилинади. Россия Федерациясига бағишланган ўнкунликда завод бўйича пландагидан ташқари 128 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги кўрсатилади.

«Ўзбекхиммаш» заводи коллективини Ўзбекистон ССР Меҳнат шон-шуҳрати китобига ёзилганлиги ҳақидаги дипломни Тошкент область партия комитетининг секретари Н. И. Маҳнин топширди.

Завод директори А. Г. Караваев жавоб сўзида коллектив номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматига машинасозлар меҳнатини юксак баҳолаганликлари учун катта миннатдорчилик билдирди ва завод ишчилари бундан буён ҳам самарали ишлаяжаклари, бу йил ўзлари тайёрлаётган икки хил маҳсулотга Сифат белгиси берилишига эришишга астойдил ҳаракат қилаётганликларини айтди.

Инғилишда сўзга чиққан қувув цехининг қирқувчиси Николай Булгаков, кенг истеъмол товарлари цехи бошлиғининг ўринбосари В. Алябьев, корхона комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари Г. Пак ўртоқлар ҳам машинасозлар юксак тақдирга жавобан меҳнатда янги-янги марраларни эгаллаш учун ҳормай-толмай меҳнат қиладилар, деб ишонч билдиришди.





БЕКОБОД металлургия заводининг прокат цехи. Цех коллективи республикамизнинг кўпгина саноат корхоналарини ўз маҳсулотлари билан таъминлайди. Ўнгдаги суратда: Мартен печининг илғор металл эритувчиларидан (чапда) М. Ёдгоров ва А. Абдуллаев ўртоқлар. Девятовачилик ҳаракатига қўшилиб, бешйилликни тўрт йилда ва ундан ҳам илгари адо этиш учун бел боғлаган фидокорлар сменада 90—95 тонна металл эритиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

ҚУРИЛИШ ҚУЛОЧИ ДАВР ТАЛАБИ

АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ЖОЙЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР ТАЖРИБАСИДАН

Қурилаётган дала шийпонининг шиферли томи олис-олислардан ҳам оқариб кўзга ташланиб турибди. Ў баландлиги бўй чўзганлиги учун ҳам кўркам ва салобатли чиққан. Дала шийпонининг қуёшга қараган узун айвонидан кўринаётган бепоён олмазорлар кафтда тургандек текис чайқалади. Орқа томондан эса каттагина сув ўтган. Сувнинг шабадаси дам олгани чиққан ишчилар танига роҳат бахш этади.

— Қурилиш ишларини бирлашмамиз бинокорлари олиб боришаяпти,— дейди иккинчи бўлим бошқарувчиси Исмоил Байрамов.— Объект лойиҳасини «Узгипрозем» институти инженерлари чизиб беришган.

— Бунақа катта дала шийпони бирлашмада биринчи марта қурилаяпти,— сўхбатга қўшилади бинокорлар бригадасининг бошлиғи В. Влахадис.— Ўнинг узунлиги 25 метр, эни эса 12 метрга тенг. Идора, ўқув зали, дам олиш хонаси, ошхона ва бошқа ёрдамчи хўжаликларнинг ҳаммаси шу ерда жойлашади. Дала шийпонининг олд томонида ҳадемай каттагина ҳовуз кавланади. Ҳовузнинг бўйида ҳам кейинроқ бориб, дам олиш зонаси яратилади.

Қурилишда ишлаётган бинокорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Гипт терувчи В. Александрис, сувоқчилар И. Мойсупов, В. Кривенко ўртоқлар кун сайин графикдан ўзиб ишламоқдалар. Ҳозир иш бино ичкарисига кўчган. Бир группа бинокорлар пол қоқиш, дераза—эшик ўрнатиш билан банд. Иккинчи группа эса бўяш-суваш ишларини олиб бораяпти.

— Шундай катта дала шийпонларидан яна бири 6-бўлимда ҳам қурилаяпти,— дейди бирлашма партия комитетининг секретари Саидамин Каримов.—Ҳар иккала объект тўла фойдаланишга топширилгач, ишчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар кўлами яна ҳам кенгаяди. Ҳозирданоқ янги дала шийпонлари учун зарур бўладиган жиҳозлар сотиб олишга киришмоқдамиз. Шийпонларга радио ва телевизорлар ўрнатилади. Китоб фондига бой кутубхоналар ташкил этилади, газета ва журналларга обуна бўлинади.

Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг бошқа участкаларида ҳам қурилишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Марказда яқиндагина уч қаватли кўркам маъмурий бино кўкка бўй чўзган эди. Бино атрофида экилган гуллар ҳозир чамандек очилиб ётипти. Саноат корхоналарида ишга туширилган янги қувватлар ҳам қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга киришмоқда. Яқин кунлар ичида чиқиндилардан чорва озуқаси тайёрловчи цех қурилиши тугалланади. 175 ўринли касалхона ҳам ҳадемай фойдаланишга топширилади.

Бирлашмада уй-жой қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бўлимларда ҳар бирида уч-тўрт хона бўлган 34 та типовой уй, 42 та қўш қаватли коттеж қурилди. Бу ёруғ ва қулай турар-жойларда ишчилар яйраб истиқомат қилмоқдалар.

«Узгипрозем» институти инженерлари чизиб берган бош план асосида бирлашма бўлимларида яна кўпгина шинам бинолар олам юзини кўради. Уларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнатдан тушаётган катта даромад ҳисобига қад кўтаради. Ишчилар шуни яхши билганлари ҳолда ой сайин меҳнат муваффақиятлари кўламини кенгайтирмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ,
Янгийўл райони.

ПАРТИЯМИЗ XXIV съезди барча партия ташкилотлари олдига идеология ишлари савиясини янада яхшилаш юзасидан конкрет вазифалар қўйди, бу соҳадаги ҳаракат программасини белгилаб берди.

Бу улуғвор режаларнинг амалга ошиши кўп жиҳатдан идеология ишларининг самарадорлигига бевосита боғлиқдир. Ҳўжалик ва маданий қурилиш вазифаларининг муваффақиятини таъминлайдиган асосий омиллардан бири —ғоявий-сиёсий тарбиянинг савияси ва кўламидир.

Ҳозир областимизда 65 мингдан ортиқ сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчи ана шу тарғибот ишларига жалб қилинган. Улар асосан муайян мақсадда иш олиб борилаётган бу соҳада маълум даражада тажриба орттирган билимли, малакали кишилардир.

Оммавий-сиёсий ишларда алоҳида аҳамият касб этаётган самарали формалардан бири — аҳоли яшайдиган хонадонларда, оилаларда ўтказилаётган суҳбат ва учрашувлардир. Гап шундаки, кейинги йилларда бунга алоҳида диққат-эътибор берилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари корхоналар, муассаса ва колхоз-совхозларда сиёсий тарғиботнинг оммавий формаларини янада ривожлантириш билан бирга, хонадонларда иш олиб боришга зарур, масъулиятли вазифалардан бири деб қарамоқдалар. Чунки меҳнаткашлар вақтининг маълум қисми ишлаб чиқаришдан ташқарида, яъни, уйда оилада ўтади.

Областимизда сиёсий ташкилотчилар бир неча йиллардан буён хонадонларда иш олиб бормоқдалар. Оммавий-сиёсий ишнинг бу формаси амалий тажрибада ўзини оқлаяпти. Бунга қишлоқ жойларда, шунингдек шаҳарларда маҳалла комитетлари томонидан ўтказилаётган катор оммавий тадбирлар мисол бўла олади. Баъзи шаҳарларда аҳоли яшайдиган хонадонларда оммавий-сиёсий иш олиб бориш агитаторлар аппаратига юклатилган.

Шу кунларда областимизда 16 мингга яқин сиёсий ташкилотчи, 9 мингга яқин агитатор меҳнаткашлар хонадонларида суҳбат олиб бормоқда. Ёз мавсумида эса 250 га яқин агитация майдони, кўпгина участка, оммавий-сиёсий иш кабинетлари, сайловчилар клуби хизмат кўрсатмоқда. Оммавий-сиёсий ҳамда маданий-тарбиявий тадбирларни ўтказишда улар кўл келмоқда.

Сиёсий ташкилотчиларнинг кўпчилиги асосан коммунистлар партия—совет активлари, колхоз, совхоз ва саноат корхоналари, муассасаларининг раҳбарлари, илғор ишчи ва хизматчи ҳамда халқ хўжалигининг мутахассисларидан иборатдир. Улар маълум ҳаётий тажриба орттирган, турмушни яхши биладиган, маълумотли, сиёсий жиҳатдан анча чиниққан, меҳнатда ва турмушда, ижтимоий ҳаётда ўрнак кўрсатишга арзийдиган кишилардир. Бундай сиёсий ташкилотчилар аҳолини мамлакатнинг ички турмуши, халқаро аҳволга доир энг муҳим воқеалардан хабардор қиладилар сиёсий-тарбиявий ва оммавий-маданий тадбирларни амалга оширадилар.

Бу борада Ўрта Чирчиқ, Оржоникидзе, Калинин, Бўстонлиқ районлари, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларидаги сиёсий ташкилотчилар ибратли тажриба тўпламоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районида мингга яқин сиёсий ташкилотчи иш олиб бормоқда. Улар томонидан ўтказилаётган суҳбатларнинг савияси, таъсирчанлиги диққатга сазовордир. Райондаги актив сиёсий ташкилотчилардан бири Аҳмаджон Далимовдир. У ўзининг жонли суҳбатлари билан колхозчиларнинг диққат-эътиборини қозонган. Ўзига бириктирилган 10 та хонадонда мунтазам равишда бўлиб туради. Суҳбат мавзуини кундалик турмушнинг ўзидан олади, муҳим моддалар бўйича содда тушунарли қилиб сўзлаб беради. Аҳмаджон ака КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари асосида қизиқарли суҳбат ўтказди. Пленум материалларини оммага тушунтириб берди.

Оҳангарон районидаги «Олмалик» совхози ишчилари сиёсий ташкилотчи Ю. Давроновни жуда яхши танишади. Ҳар бир ишчи хонадони Давроновга кардион. Унинг суҳбатлари тинглловчиларда доим катта қизиқиш уйғотади. Сиёсий ташкилотчининг вазифаси фақатгина суҳбат ўтказиб кетишдангина иборат эмас. У ўзига бириктирилган хонадонининг оилавий аҳволи, меҳнати, турмуш шароити, эҳтиёжлари, ташвиши ва қувончларидан ҳам воқиф бўлиши зарур. Бундай масалаларда ёрдам бериш унинг бурчидир. Давронов ўз бурчини тўлиқ адо этаяпти.

4-«Оҳангарон» совхози чўчқачилик фермасининг бригадири А. Тожибоев ўз фаолиятида янгича урф-одатларни турмушга жорий қилиш билан алоҳида шуғулланмоқда. Айниқса маросимларни, тўй кечаларини замонавий рухда ўтказиш оммалашиб бораяпти. Бу ишларда сиёсий ташкилотчи етакчи роль ўйнаяпти.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Правда», Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги», Генерал Собир Раҳимов номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная Звезда» ва «Партия XXII съезди», Бекобод районидаги «Победа», Оққўрғон районидаги «Заря коммунизма», Ленин номли, Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов ва «Ленинизм» колхозларидаги сиёсий ташкилотчилар ҳам оммавий-сиёсий ишларнинг турли хил формаларидан фойдаланиб, жонли қизиқарли суҳбатлар ташкил қилмоқдалар. кўпгина ташкилий тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Чирчиқ шаҳри аҳолиси ўртасида сиёсий иш олиб боришда агитмайдончалар катта роль ўйнаяпти. Ҳозир шаҳарда 60 га яқин ана шундай майдонча ишлаб турибди. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Ўзбекхиммаш» заводи ва бошқа корхоналарнинг партия комитетлари КПСС XXIV съезди материалларини пропаганда қилишда агитмайдончалардан яхши фойдаланяптилар.

Шаҳар уй бошқармалари ҳузурида оммавий-сиёсий ишлар Советлари ишлаб турибди. Советлар барча сиёсий тарбиявий ишларнинг ташкилотчиси бўлмоқда.

Шу кунларда турар-жой массивлари ҳовлиларидаги агитация майдонларида турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ташкил қилинмоқда. Кинофильмлар намойиш этилиб, бадиий ҳаваскорлар коллективлари концерт қўйиб бермоқдалар. Барча оммавий сиёсий ишлар белгиланган план асосида олиб борилади.

«Чирчиқсельмаш» заводи қуюв цехининг мастери И. Елфимов ўзининг бўш вақтини жамоат ишларига сарфлайди. У Ленин кўчасидаги хонадонларда тез-тез бўлиб туради. У болалар ва ўсмирлар тарбиясини алоҳида назорат остига олган, Бу ерда кичкинагина стадионча қуриб олишган, болалар хонаси ташкил қилишган. Барча оилалар оммавий-ташкилий ишларда актив қатнашаётганлиги туфайли бу кўчада тарбия яхши йўлга қўйилган. Болалар ва ўсмирлар жамоат тартибига катъий риоя қиладилар, ўқувчиларнинг мактабдаги ўзлаштириши ҳам яхши. Бундай олийжаноб ишларнинг ташкилотчиси Иван Андреевич Елфимов хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланди.

Ангрен ва Бекобод шаҳарларидаги уй-жой массивларида оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда ҳам анчагина тажриба тўпланган. Сиёсий ташкилотчилар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда, мунтазам иш олиб бормоқдалар. Янгича урф-одатларни жорий қилиш болалар тарбияси ва мактабларда таълим-тарбия ишларини яхшилаш жамоат тартибини бузувчиларга қарши кураш бўйича таъсирчан тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу соҳада ўзаро мусобақалар конкурслар ташкил қилмоқдалар.

Лекин шу билан бирга меҳнаткашлар яшайдиган жойларда оммавий-сиёсий ишларни ўтказишда ҳали ҳам жиддий нуқсонлар учраб турибди. Аввало, шуни айтиш керакки ҳамма партия ташкилотлари ҳам бу масалага бир хил муносабатда бўлаётганлари йўқ. Катор бошланғич партия ташкилотларида сиёсий ташкилотчилар фаолияти эътибордан четда. бу муҳим ишнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмаяпти. Сир эмас, айрим колхоз ва совхозларда. уй-жой массивлари. квартал ва маҳалла комитетларида сиёсий ташкилотчилар рўйхатдагина бор бўлиб, ҳеч қандай амалий иш қилмайдилар. Натижада сиёсий-тарбиявий ва оммавий-маданий ишлар сезиларли даражада сустлашиб кетган. Кўпгина хонадонлар тарбиявий таъсирдан четда қолаяпти. Улар ҳозирги кунимизнинг талаби нафаси, руҳидан узоқда яшайдилар. Ўзаро ва ижтимоий муносабатлар, меҳнат ва шахсий масалаларда баъзи нотўғри хатти-ҳаракатларга йўл қўядилар.

Жамоат тартибини бузиш, ичкиликбозлик, эскича расм-русмлар, даблабали тўй ва маросимлар ўтказиш, эл-юрт манфаатидан шахсиятни юқори қўйиш, меҳнат ва давлат интизомларини бузиш фактлари оз эмас. Сиёсий-тарбиявий ишларнинг самарадорлиги ҳозирги юксак талабларга тўла жавоб беролмайди. Аҳоли яшайдиган ҳар бир уй, хонадон ва ҳовлида ўтказиладиган оммавий-сиёсий ишлар меҳнаткашларнинг юксак маънавий-маданий эҳтиёжини қондирадиган ва тарбиявий ишларга ёрдам берадиган ва коммунистик идеалларга хизмат қиладиган тарзда бўлмоғи лозим.

Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларни яхшилашда шубҳасиз сиёсий ташкилотчи, ахборотчи ва агитаторларга таянадилар албатта. Демак, аввало ана шу кадрларни тўғри танлаш, уларни ғоявий чиниктириш ва тарбиялаш ишлари билан эстойдил шуғулланмоқлари керак. Сиёсий суҳбатларнинг самараси уларнинг маҳорати, билими ва тажрибасига боғлиқдир. Кишилар билан таъсирчан, сермазмун суҳбат ўтказа олишнинг ўзи бир санъат. Ана шу санъатни эгаллашда партия ташкилотлари оммавий ёрдам беришлари зарур. Энг яхши ташкилотчи, пропагандист ва агитаторларнинг илғор тажрибасини кенгроқ оммалаштириш ана шу ёрдамнинг конкрет формаларидан биридир.

Сиёсий ташкилотчи ва сиёсий ахборотчилар группаларини белгилаш вақтида ҳар бир партия ташкилоти у ёки бу коллективнинг турмуши ва меҳнат фаолияти, кадрларнинг тайёргарлигини алоҳида ҳисобга олса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек суҳбат мавзулари, уларни ўтказиш вақти ва жойларини олдиндан пухта ўйлаб, белгилаш лозим. Ташкилотчи ва ахборотчилар ишининг муваффақияти партия ташкилотларининг кундалик, тўғри раҳбарлигига боғлиқ.

Қишлоқларда оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш энг муҳим, зарур ва масъулиятли вазифалардандир. Бу соҳага қишлоқ зиёлиларини кенгроқ жалб қилиш керак. Улар қишлоқ меҳнаткашларини маданий-техникавий савиясини кўтаришда, партия-ҳукумат қарорларини амалга оширишда катта ёрдам беришлари мумкин. Шунингдек турмуш маданияти масалалари бўйича суҳбат ўтказувчи сиёсий ахборотчилар колхоз-совхоз клублари, кутубхоналарининг мунтазам ишлаши, кинофильмларнинг ўз вақтида кўрсатиб турилиши ва маҳаллий радиоэшиттиришларнинг сифатини яхшилашда ҳам амалий ёрдам бераоладилар.

Оммавий-сиёсий ишларни яхшилашнинг муҳим воситаларидан бири — тарғибот ишлари билан шуғулланувчи кадрлар учун ташкил қилинадиган доимий семинар ва қисқа муддатли курслардир. Ана шундай машғулотларга малакали мутахассисларни, лектор ва пропагандистларни жалб қилиб, улар ёрдамида сиёсий ташкилотчи ва ахборотчиларнинг ғоявий савиясини, билимини муттасил ошириб бориш катта роль ўйнайди.

Сиёсий ташкилотчи ва сиёсий ахборотчилар олдида партия, совет ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг чиқишларини ҳам уюштириш керак. Бундай чиқишларда республика, область, шаҳар, район, корхона ва совхозлар экономикаси, маданиятининг ривожланиш истиқболлари ҳақида батафсил гап бориши керак.

Оммавий-сиёсий иш кўп қирралн, алоҳида қунт ва билим талаб қиладиган жиддий вазифадир. Бу вазифа ўз мазмун-эътибори, моҳияти билан коммунистик партия ғояларини тарғиб этишга меҳнаткашларни юксак идеаллар ва коммунистик эътикод руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бошланғич партия ташкилотлари омма ўртасида олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишларнинг узоққа мўлжалланган, муайян мақсадни кўзлаган программасига эга бўлсалар ва бу программани изчил амалга оширишни ўзларининг кундалик ишларига айлантирсаларгина давр талабига тўла жавоб берган бўладилар.

Н. НАСИМОВ,
И. СРИБНИЙ.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Бекобод район партия комитети меҳнаткашларнинг иқтисодий билимини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Сиёсий мафиий кабинети ҳузурида илғари иқтисодий масалалар бўйича секция иш олиб борарди. Яқинда бу секция советга айлантирилди ва унга район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош экономисти Маматқул Тошматов раҳбар қилиб тайинланди. Беш кишидан иборат бу совет аъзолари янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ю. РАСУЛЖОНОВ.

ИЛҒОРЛАР КПСС САФИГА

ОРЖОНИКИДЗЕ. Ленин номли колхозда кейинги иккинчи йил ичида ҳосилдорлик ортиб бормоқда. Айниқса, коммунистлар бошлиқ бўлган бригадаларда гектаридан юқори ҳосил олиниб, эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

— Коммунистлар сафи илғорлар ҳисобига ўсмоқда,—дейди бошланғич партия ташкилотининг секретари З. Комилова, шу йилнинг ўзида ишлаб чиқариш илғорларидан С. Мирзаалиев, М. Мақсудов, Х. Эрматов каби шоферлар, комсомол ташкилотининг секретари Т. Эштоевлар кандидатлик муддатини ўтаб, КПСС аъзолигига қабул қилиндилар. Улар йил давомида партия топшириғини яхши бажардилар, ишлаб чиқаришда намуна кўрсатдилар.

Илғор сут соғувчи М. Исахўжаеванинг боқимида 20 бош сигир сақланиб боқилмоқда. Ўтган йил давомида ҳар бир сигирдан 2600 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Яқинда биз бу пешқадам сут соғувчини ҳам КПСС аъзолигига кандидатликка ўтганлиги билан табриклаймиз.

И. РУСТАМОВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

1-«Далварзин» совхози 5-бўлими партия ташкилоти ўз фаолиятида мусобақага катта аҳамият бермоқда.

Бу йил бўлимда 420 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Ишчилар ўз зиммаларига конкрет мажбурият олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Ишнинг ўзаро мусобақа асосида ташкил этилиши барча майдонларда мўл ҳосил тўплашга имкон беряпти. Коммунистлар мусобақа пешқадамлари бўлмоқдалар. Айниқса А. Эргашев, Р. Қўлдошев, А. Полвонбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда мусобақа яхши самара бермоқда.

— Биз,— дейди бўлим партия бюроси секретари Т. Қаюмов,—партиявий-ташкилий, сиёсий ишларни хўжалик ишлари билан боғлаб олиб боришга ҳаракат қиляпмиз. Дала шийпонларни оммавий-сиёсий ишларнинг маркази бўлиб қолди.

«Победа» колхозида ҳам социалистик мусобақани уюштиришга яхши эътибор бермоқда. Колхоздаги 12 та типовой ва 6 та мавсумий дала шийпонлари деҳқонларнинг ҳақиқий оромгоҳига айлантирилган.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
Р. ЮНУСАЛИЕВ,
Б. ХУДОЁРОВ.

Бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон ижоди беқиёс чаманга ўхшайди. Бу чаманнинг гуллари ўзининг жозибали ранг-баранг кўрки-тароватини билан дилларни мафтун этади. Элимизнинг меҳри улкан, қалби дарё, оташнафас бу қалам соҳибининг илҳом боғистонига қадам қўяр эканмиз, ўзимизни эзгу дўстлик ва буюк қардошлик чаманзорида сайр этиб юргандек ҳис этамиз. Унинг меҳр тароналаридан олам-олам қувончларга тўламиз.

Она-Ватан мадҳи, мамлакатимиз халқларининг қон-қардошлиги куйлари улкан шоир ижодида катта ўрин эгаллайди. Ҳамид Олимжон ёзиб қолдирган ва адабий меросимизнинг олтин бойлигига айланган достонлари, пьесалари, шеърлари халқлар дўстлиги мадҳи билан улуғвор жаранглайди.

Ҳамид Олимжон Улуғ Ватан урушидан олдинги улкан беш йилликлар даврида яшади ва ижод қилди. У бепоён Ватанимизда, шу жумладан қўшли республикамизда Коммунистик партия раҳбарлигида олиб борилган гигант қурилишларни, улкан ўзгаришларни кўрди, ижодкор, азимкор халқимизнинг буюк яратувчилик қудратидан илҳомланиб, ажойиб шеърлар ёзди.

Шоир ўзининг илк ижодий шеърларидан бирининг номини «Янги турмуш» деб қўйди. 1926 йилда ёзилган бу шеърда эксплуататорлар дунёси емирилиб, меҳнаткашларга янги эркин, бахтли ҳаёт кулиб боққанлиги, чин турмушга туғанмас йўллар солинганлиги зўр пафос билан куйланади. Шеър «Биз олов, ўт каби кураш севамиз, янги турмуш, улуғ жаҳон қурамиз» мисралари билан тугайди. Бу байтда Улуғ Октябрь инқилобининг ҳаётбахш нурлари оламни мунаввар этишини, унга эркпарвар нигоҳлар тикилганлигини ёркин мисраларда ифодалайди.

Буюк Ватанимиз пойтахти Москвага жуда кўп шоирлар ўзларининг энг яхши шеърларини бағишлаганлар. Ҳамид Олимжон ҳам Москва ҳамда Россияга ўзининг жўшқин қалбида яратилган нодир шеърларини бағишлади. Бундан қарийб қирқ йил муқаддам ёзилган унинг «Москва» шеърини эсга олайлик. Унда Ватанимиз пойтахти ва Кремль юлдузларининг ёркин поэтик тасвирини кўрамиз:

Мен билан биргадир,
дўстлар, ҳамроҳлар,
Бу чироқ ёритар барчанинг
қалбин.
Бу ерда учрашар жуда кўп
йўллар,
Бу ерда дўст бўлар узоқ ва
яқин.

Улуғ Ватан уруши бошланган оғир йилларда Ҳамид Олимжон ҳалқимизнинг немис-фашист босқинчиларга қарши олиб бораётган шиддатли курашларида ўзининг жанговар овози билан қатнашди. Ўзбекистон делегацияси составида фронтга йўл олди. Фашист газандаларига қарши мардонавор жанг қилаётган ватандош баҳодирларга совғалар олиб борди, Окопларда юриб, қўлига қурол тутган жангчиларимизни гитлерчи қонхўрларнинг боплаб адабини бераётган баҳодирларимизнинг мардликларидан илҳомланиб, уларга бағишлаб бир қанча шеърлар ёзди.

1943 йилда Ҳамид Олимжоннинг «Русия» шеъри эълон қилинди. Шеър ёзилганда Улуғ Ватан уруши фронтларида шиддатли жанглар борарди. Шоир фронтда бўлганида жангчи баҳодирларимизнинг она Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида мислсиз жасорат кўрсатиб жанг қилаётганликларини ўз кўзи билан кўрди. Уларнинг жасоратлари шоирга машҳур шеърнинг мавзуини айтди.

Инғитлар сен учун жангга
кирганда,
Ботирлар осмонда берганида
жон,
Кўзидан қон оққан ёвни
қирганда,
Сенинг енгишингга
келтирдим имон.

Шоир Россиянинг шонли ўтмишини ва бугунги кунда ҳур республикалар қардошлигида буюк ғалабаларни қўлга киритаётганлигини олам-олам қувонч билан қаламга олиб, қуйидаги мисраларни куйлайди:


Бало-офатларни енгиб
ўрганган,
Муҳаббатинг улуғ, юрагинг
кенгдир,
Сен қардош элларга энг
монанд ватан:
Унда уруғлар ҳам
халқларга тенгдир.

Ҳамид Олимжон мамлакатимиз халқлари қардошлигини, бу қон-қардошлик ва дўстлик абадий барҳаётлигини зўр пафос билан куйлади. Ўзининг энг яхши шеърларини Ватанимиз халқларининг абадий дўстлиги, бахт-саодати, баҳор ва шодиёналарига бағишлади, Улуғ Ватан уруши мамлакатимиз халқлари ғалабаси билан тугалланишини, фашизм тор-мор этилиб, озодлик байроғи ҳилпирашини куйлаб ўтди.

Мана бугун ғолиб халқимиз ўзининг босиб ўтган шонли йўлига бир назар ташлаб, СССР нинг тарихий 50 йиллиги тўйини янги ғалабалар билан кутиб олиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ғолиб халқимизнинг жанговар қўшиқларида шоирлар нафаси яшайди. Бугунги саҳифамизни мамлакатимиз халқларининг бахти ва шодлигини, қон-қардошлигини куйлаган Ҳамид Олимжон ижодига бағишлаймиз.

БУЮК ҚАРДОШЛИК ТАРОНАЛАРИ

Улуғ Ватан уруши йилларида жангчилар билан шоирлар қалами бир сафда турди. Шоирлар фақат қалам билангина эмас, бевосита фронт майдонларида бўлиб, ўзларининг шеър ва нутқлари билан жангчиларни курашга ундади, руҳий мадад ва қудрат бахш этди. Ўзбек шоири Ҳамид Олимжон фронт майдонларида бўлиб, қардош халқлар қудратининг енгилмаслигини тараннум айлади. Жангчиларда фашист босқинчиларига нисбатан қахрли қасос уйғотишда ўз ҳиссасини қўшди. Суратда: Ҳамид Олимжон фронтда. 1943 йил.



ЯНГИ ТУРМУШГА

Амаллар кулганда юлдузлар
янглиғ,
Қўлларда машъаллар курашга
бордик.
Булутлар кўкларда чодир
қурганда,
Чақмоқлар сингари кўксини ёрдик.
Мотамлар тарихи ўтда ёнганда,
Ишчилар:—зафар!— деб
сигналлар чалди.
Ариқлар қон билан тўлиб тошганда,
Иўқсуллар қўлларга байроқлар олди.
Ишчиларнинг темир, пўлат қўллари
Эҳ юксак тоғларнинг бағрини ёрди.
Ловалардек қайноқ, ўтли йўллари
Иўқсуллар қалбига чечаклар тақди.
Қизил ўлка қўйнида биз эркинлар,
Чин турмушга солдик туганмас
йўллар.
Сафимизга кирди миллионлаб
кучлар,
Тонгдаги гудокдан олдик
илҳомлар.
Биз олов, ўт каби кураш севамиз,
Янги турмуш, улуғ жаҳон қурамиз.
1926

МОСКВА

Буюк пойтахтга кириб бораман,
Уйғоқ кўзларимда эрир совуқ тун.
Қуёш ва юлдуздан яралган олам,
Зеҳним, хаёлимни этмишдир мафтун.
Кўксимга сиғмасдан талпинар
қалбим,
Кириб бормоқдаман кўзни
олмасдан;
Ҳирсимни қайнатган бу
юлдузларким,
Кўзимга урилар бири қолмасдан.
Чанқаб тикиламан—таним,
жоним кўз,
Пойтахт чироғи ёнар қаршимда,
Кремль бошида ёнучи юлдуз,
Чарақлаб порлайди менинг аршимда.
Мен билан биргадир, дўстлар,
ҳамроҳлар,
Бу чироғ ёритар барчанинг қалбин,
Бу ерда учрашар жуда кўп йўллар,
Бу ерда дўст бўлар узоқ ва яқин.
Жаннат ўлкасини яратган инсон,
Ошиқар умрида энг бахтли дамга.
Чегарадан келар қўриқчи, посбон,
Тарихда энг буюк оддий одамга.
Ҳаммаёқ интилар Москвага қараб,
Шу ердан қон олар қалбига ҳаёт,
Шу қуёш ўнгида айланар дунё,
Шу ердан бошланар бутун коинот.
Буюк пойтахтга кириб бораман,
Қайноқ кўзларимда эрир совуқ тун,
Қуёш ва юлдуздан яралган олам
Зеҳним, хаёлимни этмишдир мафтун.

1936

ЎЗБЕКИСТОН

Водиларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...
Чашпар уриб гуллаган боғни,
Ўпар эдим ватан тупроғини.
Одамлардан тинглаб ҳикоя
Ўсар эди шоирда ғоя.
Дарёлардан қуйлаб, ўтардим,
Эртакларга қулоқ тутардим.
Ҳаммасини тинглардим, аммо,
Ўхшашини топмасдим асло.
Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон —
Ўзбекистон дея аталур,
Унн севиб эл тилга олур.
Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин:
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водилар яшнар қошида.
Чор атрофга ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам.
Тоғлардаги қип-қизил лола
Бўлиб гўё ёқут пиёла,
Булоқлардан узатади сув,
Эл кўзидан қочади уйқу.
Далаларда бошланади иш,
Бошланади ижод ва турмуш.
Кундан-кунга ўсади пахта,
Барг чиқади ҳарбир
дарахтда,
Олмазорлар гулин тўкади,
Мева боғлаб шоҳин букади.
Шаҳарларда ишга чиқиб эл
Одам билан тўлар Текстиль.
Ҳаммасининг бир истаги бор,
Ҳаммаси ҳам хурсанд, бахтиёр.
Бу ўлкада ҳар нарса бордир,
Кўрмаганлар доим ҳумордир.
Аму билан Сирдан сув ичган,
Зарафшонни лойлатиб кечган,
Чавандозлар бордир бу элда.
Баҳор чоғи пишкирган селда
Арғумоқлар қўшиғи бордир.
Бу шундайин ажиб диёрдир.
Даласида ўсмас тиконлар,
Чўлларида чопмас илонлар:
Қуш учганда куймас қаноти,
Одам ўтса қуримас зоти;
Чаиқов қолиб йўловчи ўлмас,
Ҳар бурчакда бошкесар бўлмас.
Кулбаларни келиб босмас қум,
Гўдакларни ютмас оч ўлим.
Одамга бахт ва толе ёрдир —
Бу шундайин ажиб диёрдир.

* * *

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди,
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол.
Бунда қорнинг тагларида қиш,
Баҳор учун сўйлайди олқиш.
Бир ўлкаки ҳуснга бойдир,
Унинг энг зўр кўзгуси ойдир:
Бир парча ўт бўлиб бунда куя
Пахтасига ишлайди ҳар кун.
Ботирлари канал қазади,
Шоирлари ғазал ёзади,
Куйчилари ўқийди ялла,
Жувонлари айтади алла.
Пазандаси ёпади ширмон,
Қарилари кутади меҳмон—
Бу шундайин ажиб диёрдир.
Бунинг қизиқ ҳикмати бордир:
Москвада суянган тоғи:
Гуржистонда севган ўртоғи
Унга ҳуси ва нефтихордир:
Узоқ Шарқда қўшини бордир,
Шунинг учун тинчдир ул
кўнгил,
Шунинг учун осойишдир ул.
Шунинг учун сомонда ётмас,
Шунинг учун совукда қотмас,
Евларига осмон тутундир,
Шунинг учун бағри бутундир,
Шунинг учун ёпинмагай хас,
Шунинг учун кийинар атлас.

* * *

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
Шундай ўлка элга ёр бўлсин,
Омон бўлсин оғайнилари,
Омон бўлсин дўстларининг бари.
Доим бўлсин доҳиси омон,
Шундай бўлсин бу бутун
жаҳон.

* * *

Шафтолузор боғларин кўрдим,
Гул кўкарган тоғларни кўрдим,
Меҳр қўйиб ўнган сари оқ,
Оппоқ бўлди бу, азиз тупроқ.
Водиларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда.

1938.

ЎЛКА

Мен дунёга келган кунданоқ
Ватаним деб сени, уйғондим,
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукаммал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда
Қумлиқ кабн ташна
боқурман,
Сеннинг жаннат
водиларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.
Билсинларким, йўлдошим
бўлмас,
Кўзда ёши билан кулганлар.

Тиллари бор, ўзлари ҳаёт,
Лекин, юрак-бағри ўлганлар.
Ҳар айтганинг буюк
жантнома,
Қайга десанг қайтмай
кетурман.
Кўзларимни юммасман
асло —
Дарё каби уйғоқ ўтурман.

БАХТИМИЗ ТАРИХИГА

Қанча бўстонлар вабо айёмида бўлди хазон,
Зўр жаҳаннам ичра ёнди қанча номус, қанча жон.
Не қуёшлар ўртаниб тош бағридан топди ўлим,
Неча дарёларни ютди ўт бўлиб ёнгувчи қум.
Лекин иқболи чиқолмай битди тақдир шомидин,
Қанча оғулар қуйилди элга қайғу жомидин.
Бенаво, танҳо Фузулий зор бирла оҳида
Уртаниб қоврилди доим қайғу оташгоҳида.
Ҳа Навоий бир умр айрилмади Фарҳодидин,
Барча оламни ўртантирди унинг ҳар додидин.
Ҳам қаро кунлар қаро томғида ёнган китоб,
Қайғу йўлдошинг бўлур деб доимо қилди хитоб.
Ахтариб ўтди жаҳондин ҳечбири бахт топмади,
Бахт баҳори ҳечбирин устига бахмал ёпмади.
Кимки бахт ахтарса қайғу бирла зор олди ҳақин,
Ким яшаш истарса унларга ўлим келди яқин.
Қанча ерзу, қанча армонлар куйиб бўлди адо,
Қанча эрлар бир умрлик ғам билан ўтди гадо.
Охири ман ўсган эл яксон этиб ғам тоғини,
Барча тилсимларни очди, топди роҳат боғини.
Бир ватанким, бунда йўқдир дард ва ҳасратдан нишон,
Бир ватанким, ер ва осмонида одам топди шон;
Бир ватанким, ҳар гулистонида мангудир баҳор,
Бир ватанким, бунда элнинг бахти мангу барқарор.

Русия, Русия, азамат ўлка,
Эй, осмон сингари бепоён ватан!
Тўлдирган чогда ҳам жаҳонни нурга
Қуёш қуча олмас сени дафъатан.

Шамолдан тез учган поездлар ҳам то
Шимолга етгунча кетади ҳолдан
Қишда ҳам жанубга етолмас ҳатто,
Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан.

Қаноти толиқмас лочинларинг ҳам,
Неча бор қўнарлар сенда учганда;
Гўёки бир ёниб яна ўчган шам —
Сени қучолмайди яшин кўчганда.

Узун дарёлар ҳам камар бўлолмас,
Қўшилиб чулғанса сенинг белингга.
Дунёда ҳечбир халқ тўғри келолмас,
Менинг билишимча, сенинг элингга.

Бало—офатларни енгиб
ўрганган,
Муҳаббатинг улуғ, юрагинг
кенгдир,
Сен қардош элларга энг
монанд ватан:
Унда уруғлар ҳам халқларга
тенгдир.

РУСИЯ

Невский ухлаган буюк бешикда
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас.
Пушкин пайдо бўлган ҳарбир
эшикда,
Навоий шарафи яшар муқаддас.

Қаҳратон қишингда, баланд
осмонда
Учиб бораётган қуш ҳам
музлайди;
Жасур ўғилларинг қор ва бўронда
Жаҳон тақдирига нажот излайди.

Сенинг кўз илғамас майдонларингда
Жаҳаннам қўрқажак жангларни
кўрдим.
Бир карра ёв ўтган ўрмонларингда
Кўмирдан ҳам қора тонгларни
кўрдим.

Меҳринг қаршисида муздир офтоб,
Лекин офтобингда қорлар эрийди,
Муқаддас қахрингга беролмасдан
тоб,
Тупроғинг остида фашист чиришди.

Оғир қурол билан солган овозанг
Ларзага келтирар арзу самони,
Сен дарё бўйида олиб борган жанг
Тамом ўзгартирар ови-ҳавони.

Инғитлар сен учун жангга
кирганда,
Ботирлар осмонда берганида жон,
Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,
Сенинг енгишингга келтирдим имон.

Русия, Русия, менинг ватаним,
Мен сенинг ўглингман эмасман.
меҳмон.
Сенинг тўпроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

1943

БЕКОБОД. Районда янги ташкил этилган 4-«Далварзин» совхозининг боғларида олма мўл бўлди. Ишчилар 162 гектар майдондан 360 ўринга 700 тоннадан зиёд олма топшириш мажбуриятини олганлар. Суратда: боғбон Қаюм Жабборов.

А. Абалян фотоси.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМГА ЎТАМИЗ

1972—75 йилларда Ўзбекистондаги умумий таълим мактабларини рационализация қилиш ва жойлаштириш комплекс плани тузиб чиқилди. Ўзбекистон Информация агентлигининг мухбири Ю. Юдин ана шу воқеани шарҳлаб беришни республика маориф министрининг ўринбосари Н. Р. Раҳмоновдан илтимос қилди.

— Янги планнинг моҳияти ва мақсади нимадан иборат?

— Янги план умумий ўрта таълимга ўтиш йўлидаги муҳим босқич ҳисобланади. Бу вазифа КПСС XXIV съезди Директивларида қўйилган. Планнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бошланғич ва саккиз йиллик мактабларнинг сони 473 та қисқариши билан айни пайтда ўн йиллик таълим берадиган мактабларнинг сони 603 та кўпаяди. Бу мактаблар қишлоқ жойларида кўпроқ ўзгаради.

Яқин келажакда республикада умуман бошланғич мактаблар қолмайди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида очилган бошланғич мактаб тармоқлари болаларга ҳеч бўлмаганда хат-савод ўргатиш учун зарур бўлган эди. Эндиликда бу вазифа бажарилди. Ҳозирги пайтда учча катта бўлмаган олисдаги қишлоқларда, фермаларда, баланд тоғлик ўрмон хўжаликларидагина шундай мактаблар бор. Бу мактабларда барча ўқувчиларнинг 1,5 процентн таълим олмоқда. Бу миқдор беш йилликнинг охирида уч ҳисса камаяди. Барча ҳунартехника билим юртларининг ўрта таълимга ўтиши муносабати билан саккиз йиллик мактабларнинг шохобчаларини ҳам қисқартириш кўзда тутилади.

— Бу ўзгаришларни қандай қилиб амалга ошириш мўлжалланмоқда?

— Дастлаб мактабларнинг ўзини қайта ташкил этиш, кенгайтириш ва янгиларини қуриш ҳисобига амалга оширилади. Планда 155 та бошланғич мактабни саккиз йиллик мактабга ва 631 та саккиз йиллик мактабни ўрта мактабга айлантириш кўзда тутилган.

Кейинги йилларда ўзбек қишлоқларининг қиёфаси ҳайрон қоларли даражада ўзгариб кетди. Бу қишлоқларни шаҳардан ажратиб турадиган фарқ-тафовут тобора камайиб бормоқда. Учча катта бўлмаган қишлоқлар ўрнига обод посёлкалар қад кўтариб, уларда истиқомат қиладиган аҳоли кўпайди, кишиларнинг билим ва маданий даражаси ўсди. Бундай жойларда мактабларни йириклаштириш, қўшимча мактаблар қуришга қарор қилинди. 1975 йилда республика қишлоқ мактабларига қўшимча равишда 150 минг ўринли тўрт минтан ортиқ синф хоналари берилади. Шунингдек қишлоқда қарийб тўрт юз минг ўринли тўққиз юздан зиёдроқ янги мактаб қуриш мўлжалланмоқда.


— Республика халқ маорифида яна қандай янги белгилар кўзга ташланмоқда?

— Асосий белги шуки, болалар яхши ўқиш, ҳар тарафлама камол топиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқдалар. Мактаблар чинакам билим шаҳарчаларига айланади. Мактабларда ўрта ҳисобда беш юздан ўқувчи таълим олади. Бундай билим маконларини зарур бўлган кабинетлар, устахоналар, спорт комплекслари, ошхоналар, буфетлар, соғлиқни сақлаш пунктлари билан жиҳозлаш осон бўлади. Катта коллективларда ҳозирги замон педагогика фани ва илғор тажриба эришган муваффақиятлар тезроқ жорий этилади.

Комплекс планда ўқувчилар ўз қадрдон посёлкаларидан четга чиқмай кўпроқ бола жойлашиши учун мактаблардан оқилона фойдаланиш ҳам кўзда тутилади. Шунингдек ўқувчилар йўл юришга кўп вақт сарф қилмасликлари учун ушбу беш йилликда жамоат транспортини ривожлантириш ҳам ҳисобга олинган.

Н. Р. Раҳмонов пировардида бундай деди:

— Республикада мактабларни рационализация қилиш ва жойлаштириш комплекс плани ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилаётганлигини қўшиб қўйсак чакки бўлмайди. Айни пайтда халқ маорифи бўлимлари бундай планни ўнинчи беш йилликда тузиб чиқиш тўғрисида топшириқ олдилар. Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистонда умумий ўрта таълимга ўтиш тўла-тўкис тугалланади.



АЗАМАТ бунёдкорларимиз Пискент районида жажжи ўғил-қизларимиз учун яна бир совға тайёрлашди. Район марказида 140 ўринли замонавий боғча қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Суратда: янги боғчанинг умумий кўриниши.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси (ЎзТАГ).

ДЕНГИЗ ЧОРЛАЙДИ

РЕПОРТАЖ

Дам олиш куни эрталаб йўлга отландик. Дўстим электр ускунада шиғиллатиб соқолини оларкан, завқланиб деди:

— Тоқин кашф қилган одамга қойилман-да, бирпасда ишинг битади. Сувдан электр қуввати олишнинг ўзи мўъжиза! У ёш боладек шавқ билан гапирарди. Бу завқ-шавқ иккаламизда кечгача давом этди, «мўъжизаларни» ўз кўзимиз билан кўрдик, томоша қилдик.

Автобусдан тушганимизда денгиздан уфураётган намхуш шабада юз-кўзни сийпалаб, бутун йўл хордиғини тарқатиб юборди. Қирғоққа туташ жойлашган махсус «станцияга» тушишимиз билан олисда келаётган катер кўзга ташланди. «Геркулес» деб номланган бу катер манзилга келиб тўхтагач, чуқур нафас олгандек сигнал берди. У бир зумда хордиқ чиқарувчилар билан тўлди. Сўнг, ялп бир қичқириб, жойидан оҳиста қўзғалди-да, икки тог оралиғидаги денгиз узра сузиб кетди.

Орадан 15—20 минут ўтгач, денгизнинг чап соҳилидаги тог ёнбағрида чодирлар, тахта уйлар, кейин чўмилаётган одамлар кўринди...

— Зонамиз эндигина иш бошлади, икки ойдан бери шу ердамиз,— дейди дам олиш зонасининг мудири Н. Пономарёва.— Лекин ҳали «тўла ҳуқуқли» дам олиш зонаси деб, комиссия томонидан қабул қилингани йўқ. Келгусида қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳа, келгусида Чорвоқ дам олиш зонаси республикамизнинг машҳур хордиқ масканларидан бири бўлади. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида таъкидланган.

Ҳозирнинг ўзида ҳам бу масканда ҳар икки дам олиш куни 200—300 киши хордиқ чиқармоқда. Улар — Чорвоқ ГЭСининг ишчи ва хизматчилари, тошкентликлар, студентлар, ўқувчилар. «Чорвоқгэсстрой»нинг маъмурияти дам олувчилар учун кўпгина шароитларни яратиб берган. Хушманзара жойда—дарахтлар орасида 20 та чодир, 6 та тахта уй ўрнатилган. Уларнинг ҳар бирига уч ва тўрт киши жойлашади.

Монтажчи В. Гаврилин оиласи билан бир палаткани эгаллабди. Биз ундан қандай хордиқ чиқараётгани тўғрисида сўрадик.

— Мен бир қанча дам олиш жойларида бўлганман,— дейди у,— лекин бу ер ҳаммасидан афзалга ўхшайди. Соф ҳаво, мовий денгиз уйимизнинг ёнбошида. Яна нима керак?— у мамнун кулиб қўйди.

— Мен зона очилгандан бери ҳар дам олиш кунларини шу ерда оилам билан ўтказяпман,— дейди Н. Зубкова.— Мақтаб ўтиришимнинг хожати йўқ, чунки ёқмаса қайта келмас эдим...

— Шароит ҳам ёмон эмас,— гапга қўшилди монтажчи В. Селиверотов,— палатка, кўрпа-тўшак бор, магазин ишлаб турипти, очиқда бўлса ҳам шўрва, ош тайёрлаб сотилмоқда.

Бундай илиқ гапларни яна бошқа кўпгина ишчи ва хизматчилар айтишди. Хордиқ зонасида спорт иншоотлари ҳам унутилгани йўқ. Стадионда волейбол, баскетбол майдончалари уларнинг хизматида. Спорт мастери А. Фёдоров турли ўйинларни ташкил этишда ташаббускорлик қилмоқда.

Қайиқда сайр этишнинг гашти ўзгача. 25 та қайиқ хордиқ чиқарувчилар учун хизмат қилянти. «Геркулес» ҳамда «Пионериянинг 50 йиллиги» катерлари — Чорвоқ тўғонидан дам олиш зонаси ўртасидаги асосий транспорт. Хордиқ чиқарищ ана шу катерлар зинапоясига қадам қўйишингиз билан бошланади...

Чорвоқ денгизи соҳилида, тог багрида кўм-кўк сувга тикилиб ўтирибмиз. Нариги соҳил ҳам тоққа туташиб кетган. Бурчмулла қишлоғи ям-яшил дарахтзор қучоғида яшнаб турипти. Денгиз юзаси аста эсаётган шабадада жимир-жимир титрайди. Салқин ҳаво димоққа уриларди. Ҳарорати бирмунча пасайиб қолган қуёш нури ярим ялангоч баданни ёқимли эркалайди.

— Одам ҳар яшга қодир,— дейди дўстим сувга тикилганича жилмайиб.— Мана шу денгизни уч мақсад учун хизмат қилдиряпти: электр қуввати, сув омбори, дам олиш зонаси...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯНГИ ЖИНОЙ ҲАРАКАТЛАР

ХАНОЙ, 29 август. (ТАСС). АҚШ ҳарбийлари Вьетнам Демократик Республикасига қарши яна бир қанча агрессив ҳаракатлар қилдилар. 28 августда Ханой ва Хайфон чеккалари ҳамда Лангшон, Хабак, Виньфу, Куангбинь, Хайхинг, Намха ва бошқа вилоятлардаги аҳоли яшайдиган кўпгина пунктлар бомбардимон қилинди ва самолётлардан ўқ узиб, ракетага тутилди. «В-52» типидаги оғир бомбардимончи самолётлар ва Америка ҳарбий флотининг артиллерияси Куангбинь вилоятидаги районларга ва Виньлинь зонасига бомба ёғдириб, қаттиқ ўққа тутди.

АҚШ авиацияси 26 ва 27 августда Намха вилоятининг Нгиахинг районидаги дамбаларнинг катта-катта участкаларини вайрон қилди.

Ана шу агрессив ҳаракатлар муносабати билан ВДР Ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот берди. Бу баёнотда АҚШ ВДРнинг суверенитети ва хавфсизлигини қўпол равишда бузишни давом эттираётганлиги айтилади. ВДР Ташқи ишлар министрлиги, дейилади, АҚШ ҳукуматининг агрессив ҳаракатларини қатъиян қоралаб, Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилишни, унинг портларини миналаштиришни ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ва хавфсизлигига ҳамла қилувчи бошқа ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни АҚШ ҳукуматидан талаб этади.

ТАНКЛАР ЙЎЛИ ТУСИБ ҚЎЙИЛДИ

ТОКИО, 29. Бугун Америка танкларидан учтаси жанговар отишларда қатнашмоқ учун Китафудзи полигонига бораётган эди. Полигонга борадиган йўлни қуршаб турган бир группа намойишчилар мазкур танкларни ўтказмай қўйишди. Полициячиларнинг катта отряди аралашганлиги натижасидагина танкларнинг полигонга бориши учун йўл очилди.

Ҳарбий полигон жойлашган Фудзи тоғи районидаги қишлоқларнинг аҳолиси бу полигонни тугатишни қаттиқ талаб қилмоқда.

✦ **КЕНИЯЛИКЛАР** Кисуму шаҳридаги касалхонани рус касалхонаси дейишади. Бу бежиз эмас. Касалхонани Совет Иттифоқи Кения халқига туҳфа сифатида қуриб берган. Бу ерда аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонаётган совет врачлари ва мутахассисларининг катта бир группаси ишламоқда. Суратда: совет хирурглари А. Серебрянский ва Н. Касимцевлар мураккаб операция вақтида.

С. КУЛИК фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

МУСТАҚИЛЛИКДА ЎН БЕШ ЙИЛ

Бундан ўн беш йил муқаддам — 1957 йил 31 августда Малайзия мустақил давлатлар қаторидан ўрин олди.

Малайзия Осиёнинг жануби-шарқида, Малакка ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 333 минг квадрат километр, аҳолиси эса 10 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Асосан малайя халқлари, хитой, ҳинд ва покистонликлардан иборат бўлиб, давлат тили малайя тили ҳисобланади. Ҳукмрон дин эса ислом динидир. Мамлакат пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ярим миллионга яқин киши яшайди.

Малайзия қарийб тўрт аср мобайнида мустамлакачилар қўлидан қўлга ўтиб келди. Португаллар, голландлар, инглизлар, японлар, яна инглизлар бу мамлакатни қаттиқ эзиб келдилар. Улар малакат бойликларини ўзларининг хусусий мулкларига айлантирдилар. Аммо, халқ ўз озодлиги ва мустақиллиги учун ҳамиша курашиб келди. Малайя халқининг тинимсиз қураши оқибатда галаба билан тугади.

Малайзия — тог-кон саноати тараққий этган аграр мамлакат. Мамлакатда қалайи, темир, боксит, вольфрам, марганец, олтин, никнит, титан, колимбит, ильминит, уран ва бошқа фойдали қазилмаларнинг қимматли запаслари бор.

Инглиз мустамлакачиларининг узоқ давом этган ҳукмронлиги натижасида Малайзия экономикаси фақат бир томонлама ривожланди. Мамлакатда асосан каучук ишлаб чиқариш ҳамда қалайи қазиб чиқариш ривожлантирилди.

Мустақиллик эълон қилингандан кейин мамлакат саноати, қишлоқ хўжалиги ва хўжаликнинг бошқа тармоқлари аста-секин ривожлана борди. Маориф ва соғлиқни сақлаш системасида ҳам анчагина ўзгариш бўлди. Халқнинг моддий ва маданий турмуши бир оз яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигида асосан каучук, шоли, кокс пальмаси, ширин картошка ва чой етиштирилади.

Бироқ, ҳозирги вақтда ҳам хўжаликнинг асосий тармоқлари чет эл монополияларн қўлида. Сўнгги йилларда Америка, Япония ва Ғарбий Германия чет эл капиталининг экономикага суқулиб кириши кучайди. Мамлакатнинг асосий бойлиги ҳисобланган каучук етиштириш ҳамда қалайи қазиб чиқариш инглиз компаниялари ихтиёридадир. Чунончи, каучук ишлаб чиқаришнинг 40 проценти, қалайи қазиб чиқариш ва эритишнинг 60 процентини инглиз компаниялари назорат қилади.

1970 йилда бош министр лавозимини эгаллаган Абдул Раззоқ мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасида тутадиган янги йўлини эълон қилди. Ички сиёсий прогрmaммaнинг асосий мазмуни «ривожланишнинг иккинчи плани» деб аталадиган иқтисодий қайта қурилишларни амалга оширишдан иборатдир. Бу план тўла амалга ошириб бўладиган реал мақсадларни кўзлайди. Масалан, саноат маҳсулоти биринчи беш йиллик мобайнида эришилганидан 6,5 процент кўпроқ ишлаб чиқарилиши керак. Шу билан бирга, ишсизлик кўп бўлган районларда саноатнинг янги тармоқлари вужудга келтирилади. Янги беш йиллик планда мамлакат экономикасининг тузилишини ўзгартириш режалари ҳам йўқ эмас. Шу мақсадда 14,3 миллиард малайзия долларини ажратиш кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, Малайзия учун бу катта план ҳисобланади. Шубҳасиз, каучук мамлакат экономикасида илгаригидек алоҳида ўрин эгаллайди. Шу сабабдан, табиий каучук етиштириш йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин. 1970 йилда жаҳонда етиштирилган табиий каучук 42 процентини Малайзия каучуги ташкил этган. Каучук берадиган сўнмликлар мамлакатдаги барча экин майдонининг 65 процентини эгаллайди.


Ҳозирги вақтда мамлакат олдида чет эл компаниялари қўлидаги бойликлардан миллий тараққиёт учун фойдаланиш вазифаси турибди. Малайзия ҳукуматининг бу соҳада амалга ошираётган ижобий ишлари диққатга сазовордир. Шу йилнинг март ойида Миллий нефть корпорациясини тузишга қарор қилинди. Малайзиянинг шарқий қисми — Саравак ўзининг бой нефть запаси билан машҳур. Бироқ, бу нефтга кўп йиллардан бери «Шелл», «Эссо», «Мобил ойл» деган чет эл монополиялари хўжайинлик қилиб келмоқда. Улар фойдасининг маълум бир қисмини Малайзия ҳукуматига берадилар, холос. Аммо, ҳукумат олдида ҳеч қандай ҳисобот бермайдилар. Янги Миллий нефть корпорациясининг тузилиши бу монополияларга қаттиқ зарба бўлиб тушди. Чунки, бирон бир чет эл компанияси «қора олтин»ни қидириш ва қазиб чиқаришда бу корпорациянинг рухсатисиз иш қилолмайдиган бўлди.

Ташқи сиёсат бобида Малайзия ҳукумати қўшилмаслик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик ҳамда барча мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш сиёсатини амалга ошириб келмоқда.

Малайзия ҳукумати кейинги йилларда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларни яхшилаб бораётир. 1967 йил бошида мамлакатимиз билан Малайзия ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилди. 1970 йилда эса Москва билан Куала — Лумпур ўртасида мунтазам алоқа йўли очилди.

Шу йил сентябрь ойининг охирида Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Малайзия бош министри Тун Ҳожи Абдул Раззоқ бин Дато Ҳусайн расмий визит билан Совет Иттифоқига келади. Ҳеч шубҳа йўқки, Малайзия бош министрининг мамлакатимизга келиши ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларининг ривожланиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

И. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.



ХИНДИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МИЛЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ДЕҲЛИ, 29 август. (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг бу ерда ўтказилаётган сессиясида қабул қилинган резолюцияда «СССР ташкил этилганлиги — пролетар интернационализми принципларининг тантанаси, ленинча миллий сиёсатнинг муваффақияти бўлди», дейилади.

Ҳиндистоннинг барча демократик кучлари каби Ҳиндистон Коммунистик партиясининг миллий кенгаши ҳам бу буюк воқеани қизғин табрикламоқда, дейилади резолюцияда. СССРнинг 50 йиллик тажрибаси ҳинд коммунистлари учун, барча тараққийпарвар кучлар учун катта илҳомбахш қудрат манбаидир. Сўнгра резолюциянинг охирида бундай дейилади: «Ҳиндистон Коммунистик партиясининг миллий кенгаши барча сўл ва демократик кучларга ва партияларга, барча оммавий ташкилотларга мурожаат қилаб, уларни Ҳиндистоннинг самимий дўсти бўлган Совет Иттифоқининг мана шу катта байрамини биргаликда нишонлашга чақиради».

БЕЛФАСТДА ЯНА ОТИШМА

ЛОНДОН, 29. Англия қўшинлари Белфаст ва Лондондеридаги католикларнинг маҳаллаларини оккупация қилиб олганлиги шу шаҳарларда тўқнашувларнинг тўхталишига олиб келмади. Кейинги кунларда Белфастда неча марталаб отишмалар бўлиб турди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ирландияликлардан икки киши ва инглиз солдатларидан икки киши ўлдирилган, ўнга яқин киши жароҳатланган. Шаҳар аҳолиси орасида яна кўп кишилар қамоққа олинди.

АҚШ АҲОЛИСИ

ВАШИНГТОН, 29. АҚШ аҳолиси июль ойида 139 минг нафар кўпайди ва ҳозир 208 миллион 837 минг кишига етди, дейилади аҳолини рўйхатга олиш бюроси эълон қилган хабарда.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 11.00 — «Жасур тойчоқ». Болалар учун кўғирчоқ фильм. 11.25 — «Биринчи синф ўқувчиси» (бадиий фильм).

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси, 18.00 — «Мактабларга мароҳабо» (Ўзбек тилида). 18.30 — «Ахборот» информацион программаси (Ўзбек ва рус тилларида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.00 — Рангли телевидение. «ХХ ЕЗГИ ОЛИМПИЯ УЙИНЛАРИДА». Мюнхендан олиб кўрсатилади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

21.00 — «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи». СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган қардош республикалар телевизион фестивали. АРМАНИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

12.30 — «Қувноқлар» (болалар учун мультфильм). 12.40 — «Яшил ўрмон сири». (бадиий фильм, Ўзбек тилида).

17.35 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.00 — «Кино оламида» (кинокўрсатув). 20.20 — «Жонли саҳнфалар» (болалар учун телефильм, рус тилида). 20.50 — «Спортлото»нинг 6 бахтли рақами» (реклама, рус тилида).

21.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Фортепиано куйларидан концерт. 20.40 Врач маслаҳати. 20.50 — «1918 йил» (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/VIII да Бой ила хизматчи, 1/IX да Амал минораси.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/VIII да Ажаб савдолар, 1/IX да Тошболта ошиқ, 2/IX да Ҳалима.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Севги драмаси — НАВОИЙ номли (Ўзбек тилида), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Даурия — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6.15 ва 9 да) «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Маржон тақдим ёримга — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН». «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ёввойи қалб — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Петербург билан хайрлашув (кундуз соат 11.40, 3.30 ва кеч 7.30 ва 9.30 минутларда), Гайдук Ангелнинг саргузашти (кундуз соат 1.30 ва 5.30 минутларда) — «МОСКВА».

5 «Б» даги ғалати бола — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Гамильтон хоним — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 3, кеч 8.45 ва 10.30 минутда).

Кулгили қиз — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Кунгабоқар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Маржон тақдим ёримга — «ХИВА».

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
1-СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА, ОБЛАСТЬ, РАЙОН ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛЛАРИГА
ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
ОБУНАни «Союзпечать» агентликлари ва бўлимларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилари орқали расмийлаштириш мумкин.
Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
ССРНИНГ 50 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА
31 АВГУСТ ВА 1 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА
САНЪАТ УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА
КАТТА КОНЦЕРТ
ҚАТНАШАДИЛАР:
ДАВЛАТ «БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИ
ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ ХОР КАПЕЛЛАСИ, «ШОДЛИК», «ЛАЗГИ» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛЛАРИ
НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК ТЕАТРИНИНГ БАЛЕТ ТРУППАСИ
БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ;
СССР халқ артистлари: ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА, САОДАТ ҚОБУЛОВА;
Ўзбекистон ССР халқ артистлари: БЕРНАРА ҚОРИЕВА, БОТИР ЗОКИРОВ, КЛАРА ЮСУПОВА, САТТОР ЯРАШЕВ;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Сасон БЕНЬЯМИНОВ, Гулсара ЭҚУБОВА, Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА, Муҳаббат ШАМАЕВА, Розалинда ЛАУТ, ВЯЧЕСЛАВ ГРИНЧЕНКО, Иброҳим ЮСУПОВ ва бошқалар.
Билетлар сотилмоқда.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ХХ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА

Совет гимнастикачи қизларидан сўнг, велосипедчиларимиз олимпия чемпиони фахрий номини олдилар. 100 километрга команда пойгасида Валерий Лихачев, Геннадий Комнатов, Борис Шухов ва Валерий Ярди икки соат 11 минут 17,8 секунд натижа кўрсатдилар. Бу янги Европа рекордидир.

Шу куни ярим енгил вазнли штангачиларнинг баҳсида тбилисилик Дито Шанидзе командамизга кумуш медаль олиб берди. У уч машқда 400 килограмм натижа кўрсатиб, Болгария полвонидан кейин иккинчи ўринни олди.

СССР гимнастикачи йигитлари ҳам иккинчи бўлдилар. Бу турда Япония терма командаси олимпия чемпиони бўлди.

Галина Степанова брасс усули билан 200 метрга сузишда учинчи ўрин учун бронза медали билан тақдирланди.

Баскетболчиларимиз, волейболчиларимиз, эркин курашчиларимиз саралаш учрашувларини муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

Замонавий бешкураш мусобақаларида ҳам совет спортчилари олдинда боришмоқда. Уч турдан сўнг биринчи ўринни Леднев, иккинчи ўринни Онишченко эгаллаб турибди.

Катта қизиқиш уйготган Венгрия-Бразилия терма командаларининг футбол матчи 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Совет футболчилари кеча Судан командаси билан белашдилар.

20-КЕЧИКТИРИЛДИ

Жаҳон чемпионлиги учун шахмат матчининг 20-ўйинида даъвогар оқ доналар билан ўйнади. У шоҳ олдиндаги пиёдани икки хона олдинга суриш билан ўйинни бошлади. Рақиблар яна сицилианча ҳимояни қўлландилар. Спасский ўйинни чигаллаштириш учун астойдил ҳаракат қилди. 5 соат давом этган нурашдан сўнг ўйин тугалланмай қолди. Спасский ўзининг 41- маҳфий юришини ёзиб қўйди. Фишернинг икки оти, бешта пиёдаси, Спасскийнинг эса бир фил, бир от ва бешта пиёдаси бор. Мутахассисларнинг фикрича кечиктирилган вазиятда жаҳон чемпиони бирмунча позицион устунликка эга.

„АВТОМОБИЛЧИ" 2-ЎРИНДА

Сочи шаҳрида аёллар ўртасида волейбол бўйича СССР кубоги мусобақалари тугади. Тошкентнинг «Автомобилчи» волейболчи қизлари иккинчи ўринни эгалладилар. Улар Воронежнинг «Динамо», Одессанинг «Буревестник» командаларини бир ҳил ҳисобда (3:1) ютдилар, ЦСКА билан бўлган ўйиндагина енгиладилар. Фахрли совринни Москва армиячиларига тегди.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 04433. ИНДЕКС 64697. Б. 1827.